



GERMANIYADA GI TA' LIM BOS QI CHLARI HA QIDA AYRIM MU LO XAZALAR

Астонава Гўзалхон Рахмоналиевна¹

¹ Фарғона давлат университети немис тили ўқитувчиси
g.astonova1989@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812709>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Германия, таълим тизими, таълим босқичлари, касб-хунар мактаби, федерал ўлка.

ANNOTATSIYA

Мақолада Германиядаги таълим тизимининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилган. Касб-хунар, олий таълим мактаблари турлари ёритиб берилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Иккинчи босқич II (Sekundarbereich II). Иккинчи босқич II таълими юқори синфларни билдиради. Унга касб-хунар таълимининг дуал тизими ва касб-хунар мактаблари, касб-хунар таълимига тайёрловчи ўқув йили, ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари, техникумлар, юқори поғонали махсус мактаблар, касбий гимназия ҳамда гимназиянинг юқори синфлари киради. Кўпгина абитуриентлар касб-хунар таълимини эгаллаб, иккинчи босқич II таълими орқали таълимни икки марта ўтиб боради.

Етуклик аттестатини берувчи иккинчи босқич II муассасаларига ва бирлаштирилган мактабларнинг юқори синфларига амал қилувчи қоидалар гимназиянинг юқори синфларига ҳам амал қилади.

Ҳозирги кунда қарийб барча федерал ерларда юқори синфлар ислоҳоти кучли бошланғич таълим бериш ва камроқ ихтисослаштириш тамойилида ўтказилмоқда. Немис тили, математика, инглиз тили ва бошқа яна битта чет тили кўпинча танланган асосий ва мажбурий имтиҳон фанлари бўлиб ҳисобланиб келмоқда.



Касб-хунар мактаблари. Германияда қуйидаги шаклдаги касб-хунар

мактаблари мавжуд ва уларнинг ҳар бири специфик вазифаларни бажаради:

- Касб-хунар таълимига тайёрловчи ўқув йили
- Касб-хунар таълимнинг асосий ўқув йили
- Касб-хунар мактаблари
- Ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари
- Техникумлар
- Юқори поғонали махсус мактаблар
- Касбий гимназия
- Коллежлар

Германияда тўлиқ ўқув ҳафталик мактабига бориш мажбурияти 18 ёшгача ҳисобланади, унгача ҳамма ёшлар бирон бир мактабга бориши лозим.

Шунинг учун асосий мактабни битиргандан сўнг, касб-хунар таълимини бошламаган ўқувчилар учун касб-хунар таълимнинг асосий ўқув йили ташкил этилган ва унда ўқувчилар танлаган касб соҳасидаги асосий малакаларни ўзлаштирадilar. Асосий мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳномани олмаган ўқувчилар касб-хунар таълимига тайёрловчи ўқув йилида касб-хунар таълими ҳақидаги гувоҳномани олишлари мумкин.

ўқиш муддати тўлиқ ҳафталик мактаб асосида 1 йил, тўлиқ ҳафталик бўлмаган мактаб асосида 3 йилгача давом этади. Мазкур мактабни

битирганлик ҳақидаги гувоҳнома олий техника ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Шимолий Рейн-Вестфалия ва Бавария ерларда юқори поғонали махсус мактабига тенглаштирилган юқори поғонали касб-хунар мактаби мавжуд ва мактаб турининг давомийлиги ҳамда у берадиган гувоҳномага қараб барча турдаги олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ҳам олиш мумкин. Юқори поғонали касб-хунар мактабида ўқиш учун реал мактабни битирганлиги ҳақида гувоҳнома каби касб-хунар таълими битирганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади ва у юқори поғонали касб-хунар мактаби томонидан аниқланган асосий ўқув соҳаларга мос келиши лозим.

Касб-хунар таълими ичида касбий гимназия алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда бирор бир касб соҳасига қаратилган гимназиянинг юқори синфлари ҳақида гап кетмоқда ва мисол учун: техника гимназияси, иқтисодий гимназия, озиқ-овқат фанлари бўйича гимназия, биотехнология гимназияси деб номланади.

Касбга йўналтирилган гимназиялар реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома ёки шунга тенглаштирилган гувоҳнома асосида билим берадиган таълим муаассасасидир. Касбга йўналтирилган гимназиялар 3 йил (11-13 синфлар)лик ўқув йилидан сўнг, барча олий ўқув юртларида ўқиш учун малакага эга бўлганлиги ҳақида гувоҳнома (умумий



олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома) беради.

Учинчи босқич (Tertiärbereich)

- **олий таълим.** Германия таълим тизимининг олий таълим босқичи 400 га яқин олий ўқув юртларидан ташкил топган бўлиб, улар асосан давлат қарамоғидаги, баъзи бирлари черков қарамоғидаги ҳамда хусусий олий ўқув юртларидир. 2020-2021 ўқув йилида 422 та олий ўқув юртлари фаолият олиб борган.

Улардан 108 таси университетлар, 210 таси махсус(касбий) олий таълим муассасаларидир. Бундан ташқари 52 та олий ўқув юртлари санъат олий юртлари, 16 таси диний таълим муассасалари, 6 таси педагогик олий таълим муассасалари ва қолган 30 таси бошқа олий таълим муассасалари ҳисобланади. Олий ўқув юртлари федерал ерлар тасарруфи ва жавобгарлиги асосида фаолият кўрсатади. Олий ўқув юртларининг асосий вазибаларига тадқиқот ишлари: билим олиш ва малака оширишда янги билимлар ва малакаларни ўргатиш ҳамда илмий даражаларни бериш киради. Олий ўқув юртлари турли хил факультетларга ёки фан соҳаларига, яқин бўлган фан соҳалари эса бирлаштирилган соҳаларга бўлинади. Бозирги кунгача маъмурий ва сервис бўлимлари ҳар бир олий ўқув юртида ташкил этилган.

Булардан ташқари, Германия олий таълим тизимига олий ўқув юрти деб ҳисобланмайдиган касбий академиялар ҳам киради. Бундай

муассасалар-да ўқишнинг ярим қисми корхоналарда ўтказилади.

Ҳозирги кунда Германияда 2.95 миллиондан ортиқ талабалар бор. 2022 йилга бориб талабаларнинг сони 3 миллионгача ошиши мумкин.

Ўқишга қабул қилиш учун олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўлиш лозим ва у одатда етуклик аттестати ҳамда касбий етуклик аттестати ҳисобланади. 1990 йиллар ўрталаридан бошлаб касб-хунар таълимини битиргандан сўнг ҳам университетга кириш мумкин. Йўналишларга қараб бошқа кириш ҳуқуқи турли хил бўлади. Давлатнинг таълимни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги федерал қонунига биноан яшаш учун ва озиқ-овқатларга қўшимча ҳақ тўланади. Бундан ташқари, қобилятли ва ўз қизиқишларини кўрсата олган талабаларга турли хил фондлар томонидан стипендиялар берилади.

Олий таълим муассасаларида ўқиш тартиби федерал ерларнинг олий ўқув юртлари тўғрисидаги қонунлари, олий таълим бўйича низомлар ва имтиҳонлар бўйича низомларга кўра тартибга солинади ва улар олий ўқув юртлари томонидан автоном тасдиқланади. Дипломлар таълим йўналишларига қараб берилади. Энг муҳим дипломларга магистр, бакалавр, диплом, давлат имтиҳони дипломлари киради. Профессорлик даражаси олий докторлик унвонини олишга боғлиқ. Болонья битимига биноан бакалавр ва магистр йўналиши жорий этилиши лозим.



Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини

штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, талабалар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабаларнинг ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини кўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар моливий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш қадимий анъаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери «Тадқиқот ва ўқитиш бирлиги» уларнинг ҳаётий тамойилига айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши - фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради.

Олий ўқув юртларини молиялаштириш асосий муаммолардан

бири саналади. Молиялаштиришга саноат ёки турли фондлар томонидан ҳомийлик маблағлари жалб этилади. Инвесторлар қаторига “Германия тадқиқотлар жамияти” каби нодавлат ташкилотлар ҳам киради. Олий ўқув юртларини молиялаштириш тартиби ҳозирги кунда давлатнинг асосий режали молиялаштирилишидан лойиҳавий молиялаштиришга ўтказилмоқда. Германиянинг санъат ва мусиқа олий ўқув юртларида талабалар тасвирий, бадий ва театр санъатлари ва мусиқа фанлари бўйича тайёрланади. Диний олий ўқув юртларида дин бўйича мутахассислар тайёрланади. Педагогик олий ўқув юртларида (ҳозирги кунда фақат Баден-Вюртемберг, Саксония-Ангальт, Шлезвиг-Гольштейн ва Тюрингия ерларда мавжуд) бошланғич мактаб, асосий мактаб, реал мактаб ва қисман махсус мактаб ўқитувчилари тайёрланади. Бошқа федерал ерларда ўқитувчиларни тайёрлаш университетларда, техника университетларида, олий техника билим юртларида, бирлаштирилган олий ўқув юртларида, санъат ва мусиқа олий юртларида амалга оширилади.

Тўртинчи босқич (Quartärbereich) – малака ошириш. Тўртинчи таълим босқичи малака оширишнинг барча шакллари камраб олади. Малака оширишнинг асосий қисмини норасмий билим олиш ташкил этади. Расмий малака ошириш касбий, умумий ва сиёсий малака оширишга бўлинади. Касбий малака ошириш соҳаси кўпинча умр бўйи ўрганиш ҳақидаги қоида билан



боғланади. Малака ошириш секторининг одатий амалга ошириш жойлари қуйидагилар ҳисобланади:

- кутубхоналар
- халқ олий ўқув юртлари
- черковларнинг таълим марказлари
- касаба уюшмалар ва палаталар
- хусусий таълим муассасалари
- корхоналарнинг таълим муассасалари
- олий ўқув юртлари
- кечки гимназиялар

E-Learning, яъни масофавий таълим, айниқса, малака ошириш

соҳасида кенг тарқалишини янги тенденция сифатида кўришимиз мумкин. Ҳозирги жамиятдаги ўзгаришларга назар солсак, доимий малака ошириш заруриятига эҳтиёж сезилмоқда ва шунинг учун тез орада малака ошириш катта аҳамиятга эга бўлди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Германия таълим тизимидаги бундай бўлиниш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир босқич ҳам ўз навбатида турли тарқибий қисмларни, тузилмаларни ўз ичига олади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Cortina K. S. et al. Das Bildungswesen in der Bundesrepublik Deutschland //Strukturen und Entwicklungen im Überblick. Reinbek: Rowohlt. – 2003.
2. Euler D. Das Bildungssystem in Deutschland: reformfreudig oder reformresistent //Wir brauchen hier jeden. Hoffnungslose Fälle können wir uns nicht erlauben. – 2005. – С. 203-216.
3. Fuchs H. W., Reuter L. R. Bildungspolitik in Deutschland: Entwicklungen, Probleme, Reformbedarf. – Springer-Verlag, 2013. – Т. 70.
4. Bildungsberichterstattung A. Bildung in Deutschland 2010. – 2010.
5. Rakhmonalievna A. G. The Role of Creativity in Foreign Language Lessons //International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 103-105.